




Иродахон Гафурова,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси, мустақил тадқиқотчи

МИРЗО УЛУҒБЕК МАДРАСАСИ МИНОРАСИНИНГ ҚАЙТА ТАЪМИРИГА НАЗАР

“Эгилган миноралар худди ҳозир йиқилади-гандек, лекин ҳеч қачон йиқилмайди, чунки уларни қоплашга (сирлашга) бизнинг энг яхши бўёқлари-миздан аълолари ишлатилган. Бу ерда гап қандайдир бир тош ёки цоколь устидаги гулдон ҳақида эмас, балки жудаям ҳайбатли баландликка эга миноралар ҳақидадир!”

1893 йил, Жюль Верн, “Клодиус Бомбарнак”

Ўрта Осиёда меъморий обидалар ва ёдгорликларга қизиқиш доимо катта бўлган. Бу ҳудудга келган чет эл сайёҳлари қадим даврлардан мавжуд бўлган бой меросдан ҳайратда қолган, уларга катта қизиқиш билан қараган. 1870 йилдан 1917 йилгача бўлган

нашрларда, шу жумладан, Тошкентда нашр этилган “Туркестанские Ведомости”да Туркистон қадимий ёдгорликлари бўйича қайдлар бериб борилган¹. Қадимги ёдгорликлар ва археология соҳасидаги “ҳаваскорлик” тадқиқотлари билан бир қаторда Ўрта ва Шарқий Осиёни ўрганиш “Рус қўмитаси” (собиқ Империя Археологик комиссияси) томонидан илмий тадқиқотлар кенг кўламда олиб борилган. Мазкур қўмита томонидан ажратилган маблағларга археологик қазилмалар (Самарқандда Н.И.Веселовский, В.В.Бартольд ва В.Л.Вят-

¹ Бетгер Е.К. Роспись статьям и заметкам по истории и археологии Средней Азии, помещенным в газете «Туркестанские ведомости» за время ее существования (28 апрель 1970 – 15 декабрь 1917) в сборнике в честь В.В.Бартольда. – Ташкент, 1927. – С. 481-531.

кин томонидан) олиб борилган. Тошкентда 1895–1917 йилларда фаолият олиб борган Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги Туркистондаги қадимги ислом меъморий обидаларини ўрганишда катта кўмак берган².

1917 йилда рўй берган сиёсий воқеалар Ўрта Осиё қадимий ёдгорликларини ўрганиш ва сақлаш ишларини бир оз муддатга тўхта-тиб қўйди. Кейинчалик, 1920 йилдан қайтадан Тошкентда Ўрта Осиё қадимий ёдгорликла-рини ўрганиш ва сақлаш ишларини олиб бо-рувчи ташкилотга катта эҳтиёж сезилди. Му-айян вазифани бажариш – Туркистон исломий меъморий ёдгорликларини ўрганиш, сақлаш, таъмирлаш ва тарғиб қилиш ҳамда ушбу ишга марказдан вакилларни жалб қилиш учун бир неча маҳаллий илмий ташкилотларни бир-лаштиришга эришилди. Шундай қилиб, Тур-кистон Республикаси Наркомпроси³ қошида Музей ва қадимги ва маданий ёдгорликларни сақлаш Туркистон комитети (Туркомстарис), кейинчалик 1924 йилда Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши натижасида “Средазком-старис” деб аталди.

XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиё ислом меъморчилик обидаларини ўр-ганиш бўйича анча ишлар қилинди. Айрим ёдгорликлар батафсил ва мукаммал меъмо-рий-археологик изланишларнинг марказига айланди; айрим ёдгорликлар кашф қилинди (масалан, Термизда); шу вақтгача фақат номи-гина маълум бўлган ёдгорликлар тадқиқ этил-ди (Кўҳна Урганч, Туркменистон ёдгорликла-ри ва бошқалар).

Чор Россияси томонидан тайинланган Туркистондаги қадимий ёдгорликлар нозири В.Л.Вяткиннинг 1907 йил 28 ноябрида Са-марқанд вилояти ҳарбий губернаторига берган маълумотида кўра, Самарқандда ер силкини-ши содир бўлган. Бошқа обидалар билан бир қаторда Мирзо Улуғбек мадрасаси ҳам катта талофатга учраган. Фронтонда⁴ икки катта ёриқ – бири ўрта ойна нишабидан, иккинчи-си, юқоридан устунга – иккала ёриқ пастга қараб кетган. Мадраса ҳовлисидаги учала арк

шикастланган: жанубий арк куббаси ўпирили-ши кучайган, шимолий ва ғарбий арklar олди томони ёрилган; дарсхонадаги ёғоч шифтнинг жанубий томони ўпирилган, ғарбий минора ва шимолий арк эшиги орасидаги шимолий ташқи девор шунчалар қочганки, ўпирилиб тушиш эҳтимоли кучли эди; ғиштлар билан қопланган томда катта ёриқлар пайдо бўлиб, нурай бошлади. Ер қимирлаши асоратларини бартараф қилиш мақсадида ёғочли том қисми лой сувоқ қилинди, ғиштли қисми ганч билан қопланди⁵. 1914 йил 5 майдаги 8635-рақамли ҳужжатда Самарқанд ёдгорликлари нозири В.Л.Вяткин Археология комиссиясига муро-жаатида қуйидагилар ҳақида ҳисобот берган: “Мирзо Улуғбек мадрасасидаги шу кунларда лойли ясси томлар рухланган темир том билан қопланди. Чунки ҳар йили жуда катта май-донни суваш заҳматли, серҳаражат ва ичка-рига намликни чеклайди. Икки ҳонақоҳ икки ёнида ва иккитаси олд томонида бўлган катта масжид, охиргиларида ёғоч шифт яқиндагина янгиланган бўлишига қарамай, йил давомида захлик, полнинг намлиги, деворлари нураши камаймаган. Иморат ҳавосини алмаштириш учун мосламалар ўрнатилади. Томлар шундай ёпиладики, ташқи кўринишга зиён етмайди”⁶.

Самарқанд Регистонидаги учликда Тил-лакори ва Шердор мадрасалари билан бир қа-торда В.Л.Вяткин сўзларига кўра “Ўрта Осиё мадрасалари ичида энг қадимгиси”⁷ Улуғбек мадрасаси ҳам қад кўтарган. Пештоқдаги ёзув-ларга қараганда, қурилиш 820/1417 йилларда бошланиб, 823/1420 йилларда тугатилган.

“Туркомстарис”нинг диққат-эътибори асосан, Самарқанд ёдгорликларига қаратил-ган. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, “Тур-кистоннинг ифтихори” бўлмиш Самарқанд ислом меъморий обидалари жуда қадимги ва яхши сақланган намуналар эди⁸. Самарқанд меъморий ёдгорликларини ўрганишга ури-ниш Туркистонни руслар босиб олган давр-дан бошланган. Чор Россияси даврида бу ёд-

⁵ Ф. Р-2773. Оп.2, д. 58. Археология Комиссияси архивидан. Веселовский Н.И. иши. 1895.

⁶ Ф. Р-2773. Оп.2, д. 58. Археология Комиссияси архивидан. Веселовский Н.И. иши. 1895.

⁷ Вяткин В.Л. Памятники древностей Самарканда. –Самарканд, 1927. – С. 2.

⁸ Умняков И.И. Архитектурные памятники Средней Азии. Исследование. Ремонт. Реставрация. 1920–1928гг. –Т., 1929. – С. 7.

² Умняков И.И. Архитектурные памятники Средней Азии. Исследование. Ремонт. Реставрация. 1920 – 1928гг. –Т., 1929. – С. 5.

³ Халқ таълим кўмитаси.

⁴ Бино фасаднинг учбурчак шаклдаги томчаси бўлган тепа қисми, шунингдек, эшик, деразалар тепаси-даги шу шаклда ишланган безак.

горликлар Археологик комиссия тасарруфида бўлган. Ушбу комиссия маҳаллий бошқарувга уларни сақлаш ва таъмирлаш бўйича қилинган ишлар ҳақида ҳисобот топширган. Асосан, таъмир ишлари вақф маблағлари ҳисоби-га ўтказилган. Ислон меъморий обидаларини сақлаш билан асосан, мутаваллийлар ва шу ёд-горликларда хизмат қилувчилар шуғулланган. Сақлаш учун қанчалик ҳаракат қилинмасин, обидалар нураб тўкилиб борган. 1919 йил бошларида Самарқандда махсус кенгаш чақирилиб, обидаларни сақлаш, тиклаш, таъмирлаш ҳақида дарҳол чоралар кўрилди. Фақат маблағ ва қурилиш материаллари етишмовчилиги сабабли кечиктирилди. 1920 йилда яна шу савол кўтарилиб, Самарқанд обидаларини сақлаш ва таъмирлаш чоралари кўриб чиқилди. Айнан шу даврда Самарқандда обидаларини сақлаш, таъмирлаш ва реставрация қилиш Комиссияси (Самкомстарис) тузилди. Ушбу Комиссия ҳулосасига кўра, Самарқанд обидалари аҳволига қараб 2 гуруҳга бўлинди: 1) реставрация учун яроқсиз, умуман тамом бўлган (Биби хоним масжиди, Чилдухтарон мақбараси, Ишратхона мақбараси) ва 2) қолган барчасини ўз вақтидаги таъмир билан сақлаб қолиш мумкин.

Мирзо Улуғбек мадрасасининг шимол-шарқий минораси оғаетганини биринчи бўлиб, 1918 йил кузида Регистондаги расталарда савдо қиладиган китобфуруш-муковачилар сезиб қолишди ва Самарқанд қадимий обидаларининг расмий нозири В.Вяткинга мурожаат қилишди. У ўз навбатида вилоят архитектори Михаил Фёдорович Мауер билан биргаликда минорани кўздан кечирди⁹.

Археология ихлосманди, инженер Борис Николаевич Кастальский ҳам “минорага тез ёрдам кўрсатиш комиссияси”га киритилди. Содда ва тезкор ҳаракатлар тарафдори бўлган Кастальский минорани тагигача ғиштма-ғишт бузиб туриб, қайта тиклашни таклиф қилди. Мауер эса бунга қарши чиқиб, ансамблга путур етишини айтиб, бузмасдан туриб тиклаш назарий ва амалий мумкинлигини ўқтирди¹⁰. Мауер тарихий обидага бундай муносабат қат-

тиқ путур етказишини айтиб, Кастальский фикрига қатъий қарши туриб олади¹¹.

Тез орада мадраса ҳовлисига чуқур қилиб ёғоч лангарлар қўмилиб, миноранинг қоқ белидан ёғоч қуллоблаб, 36 тонналик 24 та темир трослар билан оғаетган минора тортиб қўйилган эди. Ўлчов асбоблари кундан кунга оғиш даражаси камаяётганини қайд этади. Бир қанча фурсат ўтгач, юқори қисми нормал ҳолатдан 1,8 оғган ҳолда минора эгилишдан “тўхтади”¹².

Шунда Халқ таълими вилоят Комиссариати қошидаги рассом А.К.Татевосян раислигида қадимги обидаларни асраш комиссияси тузилди. Ушбу комиссия фаолиятини Регистонда обидаларни ва асосий кўчани тўсиб қўйган савдо расталарини олиб ташлашдан бошлади.

1920 йил май охирларида Самарқандга РСФСР Главархиви, Турккомиссия ВШИКи ва РСФСР СНК ходимлари ташриф буюрди. СНКнинг аъзолари – В.В.Куйбишев ва М.Р.Фрунзе таклифи билан уч секциядан иборат (техник-қурилиш, санъат ва археология) Самарқанд маданий ва қадимий ёдгорликларни асраш комиссияси тузилди. Раисликка Василий Лаврентьевич Вяткин тайинланди. Қурилиш секциясига Б.Н.Кастальский раҳбарлик қилар эди. М.Ф.Мауер минорани текислаш вазифаси билан аъзоликка қабул қилинди. Археология секциясига Самкомстариснинг энг ёш аъзоси, Самарқанд вилояти музейи раҳбари М.Е.Массон тайинланди.

Самкомстариснинг имкониятларидан фойдаланиб, Мауер Улуғбек мадрасаси бўйича жуда катта тадқиқот ишларини бошлаб юборди. Унинг қурилганидан бошлаб шу кунгача бўлган тарихини чуқур ўрганишга киришди. Уйдаги ишчи хонаси Ўрта Осиё ва қўшни Шарқ давлатлари меъморий ёдгорликлари ва санъатига доир адабиётлар билан тўлиб кетганди. Кутубхона, музей, шахсий кутубхона-

⁹ Массон М.Е. Падающий минарет. – Т.: Узбекистан, 1968. – С. 6.

¹⁰ Массон М.Е. Падающий минарет. – Т.: Узбекистан, 1968. – С. 8.

¹¹ Маълумки, 1870 йилда қаттиқ зилзила натижа-сида Улуғбек мадрасасининг тўрт минорасидан бири қулаган. Шунингдек, Гўри Амир мақбарасидаги минора-лардан – 1868 йили биттаси, иккинчиси эса 1903 йили қулаган. 1897 йилда эса, Бибихоним масжидининг тўрт минорасидан қолган охири оғганини архитектор Нелли юқори қисмини қайта бузиб тиклаган. Фонд. Р-2773, Оп.1, д. 117.

¹² Арнаутлов Л.И., Карпов Я.К., Повесть о великом инженеру. -М.:Московский рабочий, 1981 г.- С. 277-278.

лардан ташиб келинган китоблар ҳеч қаерга сиғмай қолганди.

Улуғбек мадрасаси ҳақида батафсил билиш учун Мауер европаликларнинг шарқ тилларидан қилган таржималарига унчалик таянмай, айрим тарихий матнлар қўшимча маъносининг тагига етиш учун ўзи форс тилини етарли даражада ўрганди.

Самкомстариснинг археологик секцияси энг кам аъзоларга эга эди. Улар В.Л.Вяткин, И.А.Кастанье, кейинчалик М.Е.Массонлар Улуғбек мадрасасида тадқиқотларни бошлаб юборишди. Аввалдан фақат йиқилаётган миноранинг бошланғич фундаментиғача қазииш ишлари режалаштирилди. Лекин қазиишмалар шунчалар қизиқ маълумотлар бердики, иш қўлами кенгайтирилди. Учинчи ой бошига келиб Улуғбек мадрасаси худудида 16 та йирик, Шердор мадрасаси шимоли-ғарбий минорасида 1 та шурф қазилди. Айрим шурфларнинг чуқурлиги 11 метргача борди.

Мадрасаларнинг қурилишида жуда йирик пойдеворлар қазилган. Асосий портал ва миноралар таги ундан чуқур олинган. Ўралар бир неча маротаба олдиндан ариқ суви билан тўлдирилган (чўкишнинг олдини олиб). Мадраса Регистон томондан кечки маданий қатлам ҳисобига 2 метрга ерга “ўсиб кирган”¹³.


“Йиқилаётган минора”ни ўрганишга маҳаллий ва ҳолис ишчилардан иборат катта жамоа жалб қилинган. Мауер томонидан тақдим қилинган маълумотларга асосланиб, Кузнецов томонидан минорани тиклаш бўйича биринчи лойиҳа тайёрланди. Бу лойиҳада тақлиф қилинган бир неча тонналик кучланиш минорани эзиб қўйиши хавфи бўлгани учун лойиҳа рад этилди. Кейинчалик, Мауер ғоясига таяниб, машҳур москвалик мутахассис, инженер Владимир Григорьевич Шухов томонидан иккинчи лойиҳа ишлаб чиқилди. Мауер бу лойиҳани амалга ошириш учун Москвага қатнар ва Шухов билан узоқ вақт тафсилотларни муҳокама қилар эди.

1927 йилда “Мосмет” заводи Самарқандга темир конструкция юборди. Мауер метр ва лупа билан арматуранинг асосий қисмларини чуқур ўрганиб чиқиб, айрим нуқсонларни топди. Москвага жўнаб, Шуховга бу арматура билан миллиметрлик хато оқибатида минора кулашини айтди. Завод хатоликларини тан

олиб, ўз ҳисобидан конструкциянинг айрим деталларини қайта тайёрлаб берди.

Ва ниҳоят, 1932 йил минорани кўтаришга ўрнатилган арматура ҳаракатга келтирилди. Миноранинг бори бўйича тагидан ажратиб олинди. Зарарланган пастки қисм фундаментдан бошлаб бир неча метргача олиб ташланди. Ўрнига эса темир бетон қуйилди. 12 килолик кучланиш билан, қисқа силкиниш ва айланма ҳаракат билан секин йиқилаётган томонга қарши айлантриб қўйилди. Тагидаги темир балкалар олиб ташланиб, минора янги бошланғичга ўрнатилди. Темир трос ва ёғоч корсет олиб ташлангач, минора олдинги кўринишида намоён бўлди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёда биринчи маротаба ўрта аср минораси, ислом меъморий ёдгорлиги қутқарилди. Дунё реставрация амалиётида тарихда шарқ ёдгорликларидан биринчи бор тарихий обида сакланиб қолинди. Дадил ғоя, мақсаднинг оддийлиги, содда техника ва аниқ ҳисоб ёрдамида бу мақсадга эришилди. Регистонда, 500 йиллик Улуғбек мадрасасининг виқорли массиви бош фасадида туриб жуда катта муҳим иш қилинганига гувоҳ бўлиш мумкин.



¹³ Фонд. Р-2773, Оп.1. д.117.